

Туркистон

Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 24 май Чоршанба. № 39 (14321)

“Универсиада-2000” спорт анжумани қатнашчиларига

Азиз фарзандларим!
Барчангизни мамлакатимиз талаба-ёшлари ҳаётидаги муҳим воқеа - камолот, гўзаллик ва спорт байрами билан чин қалбимдан самимий табриклайман. Бу универсиаданинг айнан “Соғлом авлод йили”да ўтаётгани теран маъно-мазмун касб этади. Ватан, халқ шухратини дунёга тараннум этишда спортнинг ўрни бекиёсдир. Жаҳон миқёсидаги кўплаб нуфузли мусобақаларда ўзбек ёшлари эришаётган галабалар бу ҳақиқатни тасдиқлаб турибди.

Спорт нафақат жисмоний, балки маънавий камолотга етишишда ҳам муҳим омилдир. У иродани тоблайди, аниқ мақсад сари интилиш, қийинчиликларни бардош ва чидам билан енгилга ўргатади. Инсон қалбида галабага ишонч, гурур ва ифтихор туйғуларини тарбиялайди.

Мен барча ўғил-қизларимизни, спортчи ёшларимизни халқимизнинг умид юлдузлари, эртанги кунимизнинг ишончи ва таянчи, деб биламан.

Соғлом, билимли ва фидойи фарзандлари бўлган халқ, албатта ўзининг буюк келажагини барпо этади.

Сиз, универсиада қатнашчиларига, янгидан-янги ютуқ ва зафарлар тилайман. Ишонманки, эл-юрт равнақи йўлида қайси соҳада меҳнат қилишингиздан қатъи назар, спорт ҳамиша ҳамроҳингиз бўлиб қолади.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи сессияси йиғилишининг очилиши тўғрисида

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи сессиясининг йиғилиши 2000 йил 25 май куни эрталаб соат 10 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 24 май куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

Сийёсий партиялар депутатлар фракциялари ва депутатлар блоклари таркибига кирадиган Олий Мажлис депутатлари диққатига

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси 23 май куни соат 17.00 да ушбу партия Марказий Кенгашининг мажлислар залида йиғилади. Худди шу вақтда Олий Мажлисида “Миллий тикланиш” демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлади. 24 май куни соат 12.00 да Олий Мажлисида Фидокорлар миллий демократик партияси фракциясининг ҳамда сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар блокнинг йиғилиши ўтказилади, соат 13.00 да - “Адолат” социал-демократик партияси фракциясининг, соат 14.30 да эса - ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блокнинг йиғилиши бўлиб ўтади.

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ КИТОБИ - АРАБ ТИЛИДА

Саудия Арабистони подшоҳлигининг “Дар ал-Салом” компаниялари гуруҳи араб тилида Президент Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон буюк келажак йўлида” номли китобини чоп этди. Ташқи ишлар вазирлигининг қабуллар уйида мазкур китобнинг тақдирот маросими бўлиб ўтди. Тадбирда хорижий мамлакатлар дипломатия ваколатхоналари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг иқтисодиёт, сиёсат, таълим, маданият ва ижтимоий мавзудаги асарларига нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам қизиқиш кучли. Шу сабабли АҚШ, Германия, Буюк Британия, Рос-

сия, Италия каби мамлакатларда Юртбошимизнинг кўплаб асарлари чоп этилган. Хорижда нашр этилган асарлар қаторига Саудия Арабистонида яқинда босмадан чиққан “Ўзбекистон буюк келажак йўлида” китоби ҳам қўшилди.

“Дар ал-Салом” ноширлик борасида араб дунёсида катта обрўга эга. “Ўзбекистон буюк келажак йўлида” Ислом Каримовнинг илгари чоп этилган китобларидан саралаб олинган. Унда Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишда танлаган ўзига хос йўли, сиёсати, иқтисодиёти, шунингдек, диний ва миллий қадриятлари ҳақида сўз боради.

Маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош ва-

зирининг ўринбосари, Ўзбекистон-Саудия Арабистони ҳукуматлараро савдо-иқтисодий комиссияси ҳамраиси М.Усмонов, Саудия Арабистонининг мамлакатимиздаги Фавкулотда ва мухтор элчиси Абу Бакр Аббос Рафия ва “Дар ал-Салом” компаниялар гуруҳининг халқаро инвестициялар бўйича раиси Муҳаммад Абдулкарим Райҳон мазкур китоб икки давлат ўртасидаги алоқаларнинг янада кенгайишига хизмат қилишини таъкидлади. Ҳақиқатан ҳам, китобнинг араб тилида нашр этилиши араб дунёсида Ўзбекистонга, унинг раҳбарига қизиқиш тобора ортиб бораётганидан, мамлакатимизни ўрганишга интилиш кучаяётганидан далолатдир.

(ЎЗА)

ТАЛАБАЛАР УНИВЕРСИАДАСИ

Гуллар ўлкасига айланган Наманган яна баҳор қувончларини етаклаган ёшларни қабул қилди.

Бу ерда Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббусига кўра мамлакатимизда илк бор ўтказилаётган талаба ёшларнинг катта спорт байрами — “Универсиада - 2000” давом этмоқда.

Бир ҳафта мобайнида юртларида таълим олаётган талабалар спортнинг тўққиз тури бўйича кучсиаданинг Соғлом ав-аҳамиятга эга. Чунки нан ва жисмонан чимил инсон бўлиб ети-қилади.

Олий ўқув юртлаган 1714 нафардан ор-учун “Чорток”, “Гулшан” Косонсой туманида уни-ташжил этилган.

Универсиада низомига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан биттадан терма жамоа, Тошкент шаҳридан эса учта, жами 16 та жамоа голиблик учун кураш олиб боради.

Волейбол, футбол, шахмат каби бир қатор спорт турлари бўйича ўзаро беллашув қизгин давом этмоқда. Мусобақа дастурига кўра 26 майдан кураш ва енгил атлетика мусобақалари бошланади.



Икромжон КАРИМОВ,
“Туркистон”нинг жамоатчи муҳбири

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ



Ёшлик инсон ҳаётининг энг гўзал, энг навқирон, қайтарилмас фасли. Фурсатни ортга қайтариб бўлмайди, деган ҳикмат бор, бу тўғри, аммо қай бир маънода, вақтни ҳам ортга қайтарса бўлади, дейиш мумкин дир эҳтимол: чунки табиат фасллари ҳар йили қайтарилаверади, куз ва қишда дарё ўзани пасайса, баҳор ва ёзда яна кўтарилади. Бу жараён мунтазам равишда такрорланади. Бироқ инсон ҳаётига нисбатан шундай қиёсنى ишлатиш мумкинми? Умр фасллари қайтариладими? Не тонгки, умр дарёси бир бора оқиб ўтади, холос.

Инсон умрини беш кунлик дейдилар. Шундай бўлса, ёшликнинг муддати қанча экан? Дўппини бир айлантиргунча

умр ўтиб кетармиш... Наҳотки ёшлик шунчалар қисқа бўлса?.. Ёшлигингни қадрига ет, ёшлигингда ўқиб қол, ёшлигингни елга совурма, дейилган доно гаплар бехудага айтилмаганини фурсат ўтган сайин теранроқ англаб борасан. Вақти-соати келиб, ёшлигимиз ўтган йўлларга боқиб, афсус-надомат чекмаймизми, ўкинмаймизми?

Ёшлик фақат баҳор ва гуллар, севги-муҳаббат, висолу ҳижрон-

гина эмас, у инсонга берилган имконият, масъулият, ота-она, халқ ва Ватан олдидаги бурчдир. Бу бурчни ким қандай тушунади, бу масъулиятга ким меҳнати, иши билан қандай жавоб беради, бу имкониятдан ким қандай фойдаланади? Кун келиб, қалб ўртанмаслиги, пушаймон бўлмаслик учун бу каби оғир саволларни ҳар бир ёш ўз юрагига бериши ва ундан жавоб олиши керак.

(Давоми 3-бетда)


22 майда Наманганда Ўзбекистон талаба ёшларининг дастлабки спорт анжумани бошланди. Универсиадада ўтказиш бўйича республика ташкилий кўмитаси раиси, Олий ва ўрта махсус таълим вазири Саидахрор Фуломов

данни тоблади, иродани мустаҳкам қилади. Президентимиз Исрол Каримов мамлакатимизда спортни ривожлантиришга, айниқса, уни ёшлар орасида оммалаштиришга алоҳида эътибор бергани ҳолда "Универсиада-2000" мусобақаларининг ўтказили-

пойтахтида ўтказилариган халқаро Универсиадада иштирок этиш шарафига муяссар бўладилар.

Универсиада давомида ёшлар ўзларининг спорт ютуқлари, жисмоний тайёргарлиги, маҳоратини намойиш этиш имконига эга бўлади.

“Универсиада-2000”: спорт, ёшлик, гўзаллик



мусобақаларининг ўтказилиши ҳақида қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Мамлакатимиз аҳолисининг деярли ярмини ёшлар ташкил этади. Шу сабабли ҳукуратимиз раҳбарияти ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялаш, уларда қатъий дунёқараш ва мустақил фикрлаш кўникмаларини шакллантириш, ўз иқтидорларини тўла рўёбга чиқариш учун кенг имкониятлар яратишга катта эътибор бермоқда. Мустақил мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда қўлга киритаётган ютуқлари экстремистик кучларга тинчлик бермаётган ҳозирги даврда бу алоҳида аҳамият касб этади.

Спорт билан шуғулланиш руҳ ва ба-

ши ташаббусини илгари сурди. Ўзбекистонда ўтказилаётган бундай миқёсдаги спорт анжумани иштирокчилари - республика олий ўқув юрталари талабалари экани, айниқса эътиборга сазовор.

Мусобақа тартибига кўра дастлабки кунлари тўрттадан терма жамоадан иборат кичик гуруҳларда саралаш учрашувлари бўлиб ўтади. Уларнинг голиблари ярим финал ўйинларида иштирок этади. Сўнгра, энг кучли жамоалар ва спортчиларга Универсиаданинг олтин медаллари ва фахрий ёрлиқлари топширилади. Шунингдек, дастлабки талабалар Универсиадаси голиблари ҳам шахсий, ҳам умумжамоа ҳисобида аниқланади. Мусобақа голиблари келгуси йили Хитой Халқ Республикаси

Шуниси аҳамиятлики, бу мусобақалар жараёнида мамлакатимизнинг турли ҳудудларида истиқомат қилувчи йигит ва қизлар бир-бирлари билан яқиндан танишиш, ўзларини қизиқтирган масалалар хусусида фикрлашиш имконига эга бўлишади. Универсиада ташкилий кўмитаси унинг иштирокчилари учун ранг-баранг дастурлар тайёрлаган. Ёшлар спорт мусобақаларида кунига икки-уч соат қатнашади. Қолган пайтда эса машҳур ёзувчилар, шоирлар, таниқли хонандалар билан учрашувлар бўлиб ўтади.

Мамлакатимизнинг олий ўқув юрталари ўртасида янада яқинроқ алоқалар ўрнатилмоқда. Универсиадага барча вилоятлардан ташриф буюрган олий ўқув юрталари раҳбарларининг ўзаро мулоқотлари маориф тизими олдида турган долзарб муаммоларни муҳокама қилиш, уларни барта-раф этиш йўллари излаб топиш имконини беради. Чунончи, олий ўқув юрталари ва касб-хунар коллежлари, академик лицейларнинг спорт иншоотларидан биргаликда фойдаланиш гоёси туғилди. Бу эса мавжуд стадионлар, сузиш ҳавзалари, ихтисослаштирилган майдончалардан янада самарали фойдаланиш имконини беради.

Универсиаданинг дастлабки кунлариёқ бундай мусобақаларнинг ёшлар тарбиясида нечоғлиқ муҳим ўрин тутишини кўрсатди. Бундай мусобақалар анъанавий бўлиб қолади. 2002 йилдаги Универсиада талабалар ва спорт маркази бўлган яна бир шаҳар - Бухорода ўтказилади.

Ёшлар мусобақалашмоқда

Наманганда ўтказилаётган "Универсиада-2000" доирасидаги мусобақалар жадвали ниҳоятда тигиз. Нафақат вилоят марказининг, балки яқин туманларнинг ўнлаб спорт залларида, стадионларида, майдонлари ва теннис кортларида ҳам баскетбол, волейбол, футбол, теннис (катта ва стол тенниси), шахмат ва кураш бўйича дастлабки мусобақалар давом этмоқда.

Саралаш турнирлари давомида

аниқланган кучли жамоалар, 26 майда ярим финал мусобақаларида иштирок этади. "Универсиада-2000" штабидагиларнинг таъкидлашича, мусобақа иштирокчиларининг кўпчилиги профессионал спортчилар бўлмасалар-да, юқори маҳорат намойиш этишмоқда. Спортнинг барча турлари бўйича беллашувларда аёллар жамоалари ҳам эркаклар жамоалари билан баравар қатнашапти. Универсиада мусобақалари давоми-

да кўплаб шахсий рекордлар ўрнатилиши кутилмоқда. Зеро, мусобақа голиблари ҳам умумжамоа ҳисобида, ҳам шахсий ҳисобда аниқланиши кўзда тутилган.

Енгил атлетика ва фарғонача кураш бўйича мусобақалар 26 майда Косонсой туманида ўтказилади.

**А. ИВАНОВА,
Н. ХҲЖАЕВА,
ЎЗА мухбирлари**

“ЎТГАН КУНЛАР” ЙҮҚ, “КЕЧА ВА КУНДУЗ” ҲАМ...

Туманимизда маърифат ўчоғи бўлмиш кутубхоналарнинг аҳволи жуда аянчли. Туман марказий кутубхонасига кирарканман, ўзбек романичилигининг фахри "Ўтган кунлар", "Кеча ва кундуз", "Олтин занглас"ни қидираман. Мен бу асарлар ҳақида мактаб дарслигида ўқиб, уларни тўлиғича ўқиб чиқишни кўнглимга туккан эдим. Афсус, уларнинг ҳеч бирини топа олмайман. Жавонлар-

даги китобларнинг эскириб кетганлигини кўриб, кутубхонага янги китоблар етиб келмаслигига ишонч ҳосил қилдим.

“Туркистон”га мактуб

Хайхотдай кутубхонадан китобхон умидлари сўниб, қайтиб чиқса қийин экан.

Ахир, эртанги кун тақдири биз —

ёшларга ишониб топширилган экан, унга муносиб бўлиш учун ўқишимиз керак-ку. Катталар — шу ишга масъул бўлган кишилар бизга имкон, шароит яратиб беришса, Ватан ва халқимиз олдидаги фарзандлик бурчимизни тўлагича оқлардик.

**Нодира АМИРОВА,
Самарқанд вилояти,
Иштихон тумани**

“Камолот” ҳудуди

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Пойтахтимизнинг "Шератон Тошкент" мажмуасида Ўзбекистон Республикаси ёшларининг "Камолот" жамғармаси ва "INFRA-R" илмий ишлаб чиқариш компанияси ҳамкорлигида "Янги технологиялар инсон манфаатлари йўлида" мавзуидаги "INFRA-2000" халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Конференциянинг асосий мақсади, саноат, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт экологик тоза ва тежамли технологияларни яратиш ва амалиётга тадбиқ этиш борасида илмий ва ишбилармон доираларнинг ҳаракатларини бирлаштиришга йўналтирилди.

Анжуманда мамлакатимизнинг илмий ва ишбилармон доиралари ҳамда чет давлатларнинг олим ва мутахассислари иштирок этдилар. Унда сўзга чиққанлар Ватанимиз фани ютуқларини тарғиб қилиш, тажриба алмашиш, илмий технологик ва маданий ҳамкорлик бўйича алоқаларни кучайтириш, мамлакатимизнинг илмий-иқтисодий салоҳияти билан хорижий иштирокчиларни таништириш орқали юртимизга чет эл сармояларини жалб қилиш борасида фикр алмашишди.

**Бахтиёр ШОҲИСМОИЛОВ,
“Туркистон” мухбири**

“ИННОВАЦИЯ-2000”

Ўзбекистон Республикаси ёшларининг "Камолот" жамғармаси Бухоро вилояти ҳокимлиги, "Ўзбекистон" илмий-саноат, ташқи иқтисод ва амалий ҳамкорлик ассоциацияси, Бухоро Давлат университети, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологик институти, Давлат мулк кўмитаси шу йил 6-7 сентябрь кунлари Бухоро шаҳрида "Иновация-2000" халқаро илмий-амалий анжуманини ўтказди.

Анжуманда қуйидаги асосий масалалар кўриб чиқилади:

* Халқ хўжалиги тармоқларида инновацион-технологик ривожланишнинг муаммо ва истиқболлари (агротехнологиялар ва қайта ишлаш комплекси);

* Тоғ иши ва металлургия, материалшунослик, нефть-газ, озиқ-овқат ва кимё тармоқлари);

* Қишлоқ ҳудудлари учун кичик технологиялар ва қайта ишлаш инфраструктуралари;

* Сув-Ҳўл-Экология. Муаммолар ва ечимлар,

* Теледетекция ва географик информацион тизимлар;

* Моделлаштириш, автоматик ва автоматлаштирилган тизимлар ёрдамида мураккаб жараёнларни бошқариш;

* Информацион технология ва тизимлар.

Анжуман ишида қатнашиш истагидаги мутахассислар ўз маърузаларининг тезисларини экспертиза актлари билан 2000 йил 30 июнгача ташкилий кўмитага тавсия этишлари мумкин.

Маъруза тезислари ўзбек, инглиз, рус тилларида қабул қилинади.

Манзилимиз:

700011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси-11, "Камолот" жамғармаси, 11, 17-хоналар.

Тел.: (8-3712) 41-08-50, 41-06-72, 41-00-50. Факс (8-3712) 41-08-50.

"Иновация-2000" ташкилий кўмитаси

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ

(Давоми. Аввали 1-бетда)

Ёшларимизнинг ўзигагина хос табиати, миллий хусусиятлари шундаки, улар ота-онанинг оқ сути, нон-тузи ва ишончини оқлашга, эл-юртнинг умидини пучга чиқармасликка, улуг аждодларимизнинг шаъни-шавкатига муносиб бўлиб етишишга интилиб яшаганлар. Тарихнинг турли даврларида Ватаннинг юкни кўтариб, халқнинг оғирини енгил қилиш, она тупроқни босқинчи ёвларга бериб қўймаслик ўзбек ёшларининг ҳаёт ақидаси, аъмоли бўлган. Ёшлик жўшқинлиги, шижоат ва жасорати эл-юртнинг ор-номусини, гурурини кўзқорачиғидек асрашга ундаган.

Бундай қаҳрамонларни халқ ўз достонлари, эртақ ва афсоналарида тўлиб-тошиб куйлаган. Масалан, "Алпомиш" достонидеги ёш Ҳакимбекнинг ўз ёри, эл-юртнинг ор-номуси учун қалмоқ пахлавонлари билан кураш майдонига чиққан, қийин аҳволда қолганида Барчиной ҳам бел боғлаб, куч синашга тайёр турган лавҳани эсланг. Бу манзарада ўзбек ёшлари қадим-қадимда ҳам мард ва жасур, гурурли, диёнатли, ватанпарвар бўлгани ифодаланган.

Эрамизгача бўлган даврда душмандан нафақат ўгли Спарганиснинг қасосини олган, балки ота-боболар ерини ҳам сақлаб қолган улуг момомиз Тумарис ботир юрак, темир билак билан жангга кириб, босқинчи душманни тор-мор этганида ҳали навқирон йигитлар орзусидаги ёш жувон эди.

Ислон оламида энг етук ва машхур муҳаддис, буюк бобомиз Имом Бухорий ўн ёшга тўлмасларидан ҳадис илмини ўрганмоққа киришганлар. Бунга минг йиллардан-да кўп бўлди. Ўн олти ёшларида оналари ва акалари билан Ҳажга борганлар. Ҳадиси шарифларни тўплаб, тартибга солиш нияти пайдо бўлганида ҳам йигирмага ҳали тўлмаган эдилар.

Ёвқур, чаптаст ва қайтмас бўлган бобокалонларимиз Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди бошлиқ нисбатан кичик лашкар 1220 йилларда мўр-малахдек ёпирилган сон-саноксиз ёв-босқинчиларнинг шиддатли юришини қайтарганида, уларнинг бир неча қақшатқич хужумларини тор-мор этганида, озодлик, мустақиллик учун азиз жонини тикканда саркардаларнинг иккаласи ҳам ёш-ёш йигитлар эди.

Буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темур бундан салкам етти юз йил муқаддам юртда осойишталик, тинчлик, барқарорлик ўрнатиш, босқинчиларнинг 150 йиллик ҳукмронлигига чек қўйиш, миллатни ягона байроқ остида бирлаштириш, улуг ва қудратли давлат барпо этиш йўлидаги шон-шарафга бурканган курашини бошлаганида 25 ёшдаги бўз йигит эди.

Мирзо Улуғбек олти юз йилдан нарироқ муддатда Мовароуннаҳр ва Туркистонни бошқара бошлаганида ўн саккизга тўлган ёш йигит эди. Шу ёшдаёқ осмон илми — фалакиёт борасидаги дастлабки кашфиётлари билан тилга тушганди.

Қарийб олти юз йил илгари Низомиддин Мир Алишер болалигида айтган бир фазл майлаёига замонанинг Луборийдиёк маълум ва машхур сўз заргари ўн минг мисра дилбар байтини алмаштирмоқчи бўлган. Бу лутфдаги нозик муболаға-ю, ифратни инкор этмаган ҳолда ёш Навоийнинг истеъдодига нақадар юксак баҳо берилганини эътироф этмасликнинг иложи йўқ.

Буюк Алишер Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" достонидеги ёшличи, Фарҳоднинг ноёб қобилияти жуда ёшлигиданок намоён бўлган. "Ўқиб-ўтмак, ўқиб ўтмак шиори, Қолиб ёдида саҳфа-саҳфа бори... Жаҳонда қолмади ул етмаган илм, билиб таҳқиқини касб этмаган илм..." Бугун Фарҳод

од исмли истеъдоди ёрқин болаларни кўрганганда, томирларимизда фавқуллодда ақл-идрок, тафаккур соҳиб бўлган аждодларнинг қони оқаётганига яна бир қарра амин бўласан, киши.

Нисбатан яқин тарихимизга келсак, юлдузи эрта сўнган Усмон Носир ёшлик абадийлигига ёрқин мисол бўла олади. Бу ёруғ оламда ўттиз йил ҳам умр кўрмаган бўлса-да, ундан абадийга дахлдор адабий мерос қолди.

Асримизнинг йигирманчи-ўттизинчи йилларида Германияда ўқиб келиб, кўп-кўп яхши орзу-ниятлар билан яшаётган миллатимизнинг энг сара, энг асл қиз-ўғлонлари айна ёшлик фасли барқ урган пайтда ёппасига қатагонга дучор бўлишган.

Собиқ шўроларнинг истибод тузуми вақти-вақти билан миллат дарахтининг энг тоза гулларига, барқ уриб очилиш арафасида бўлган гулчаларга, навниҳолларга қирон солиб турган. Чунки у тузум энг олий гўзаллик

катта муваффақиятларга эришганига шубҳа йўқ.

Марказий Осиёнинг энг ёш гроссмейстери Рустам Қосимжонов халқаро миқёсда голибликни қўлга киритганида ўн олти ёшда эди. Ирода Тўлаганова, Тоштемир Муҳаммадиев сингари ёш йигит-қизларимизнинг спортдаги ғалабалари туфайли Ватанимиз байроғи жаҳон мусобақаларида юксак ҳилпирамоқда.

Мақтаб ва лицейларимизнинг иқтидорли ўқувчилари халқаро фан олимпиадаларида қатнашиб, Ватанимиз номининг бир қанча ривожланган давлатлар қаторида тилга олинишига эришмоқдалар.

Халқаро фестиваллари анжуманларда мусиқа, тасвирий санъат, аниқ фанлар борасида ёшларимиз эришаётган ютуқлар ҳақидаги хабарларни тез-тез матбуотда ўқиб, телевидениеда кўриб, фахру гурурдан кўксимиз тоғдек юксалади.

Ўзбекистонимизнинг кўплаб йигит-қизлари АҚШ, Европа

ди. Шу каби воқеалар ҳаёлингиздан кечар экан, Ўзбекистон ёшларининг асрлар давомида минг-минг синовлардан ўтиб, сайқалланиб, шаклланиб келган маънавий қиёфаси — энг аввало, ватанпарварлик, жавонмардлик, маърифатлилик фазилатлари кўз ўнгингизда намоён бўлади.

Инсон дунёқараши, руҳий олами шакллана бошлаган чоғданок ҳаётнинг маъно-мазмунини ҳақида ўйлайди, ҳаётда ўз йўли, ўз ўрнини топишга ҳаракат қилади.

Бугунги кунда гимназия, лицей, мактабларда таълим олаётган ёшларимизни кузатиб, улар ўз дунёқарашига кўра чин маънода мустақиллик фарзандлари эканлигига, юксак идеаллар билан яшаётганига ишонч ҳосил қиласиз.

Ёшлар халқнинг жавҳар қисмини ташкил этади. Ёшлари билимдон, мард ва жасур, иймон-эътиқодли, ватанпарвар ва меҳнатсевар бўлган юртнинг бугуни,

ларни рўёбга чиқариш учун ғамхўрлик кўрсатиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган масаладир.

Халқимизда ёшлиқда олинган илм тошга ўйилган нақшдек мустаҳкам бўлади, деган мақол бор. Ёшларимизнинг пухта билим олиб, етук мутахассислар бўлиб етишишларида уларни кўллаб-қувватлаш учун "Умид", "Улуғбек" жамғармалари фаолият кўрсатмоқда. Мазкур жамғармалар ёшларимизни чет элларда ўқиб келишларига кўмаклашмоқда. Энг иқтидорли, қобилиятли ёшлар Президент грантларини кўлга киритмоқдалар.

Ёш истеъдодларини уюштириш, кўллаб-қувватлаш, уларга ҳар жиҳатдан кўмаклашиш мақсадида Ёш олимлар уюشمаси тузилган. Ёш ижодкорларни рағбатлантириш учун Усмон Носир, Зулфия муқофотлари таъсис этилган. Давлатимизда ёшларнинг ўз қобилиятларини, куч ва имкониятларини тўла намоён этишлари учун қўлай асос, мустаҳкам замин яратилган.

Дунёда мафкуравий кураш кескин паллага кирди. Ёшларнинг онги ва қалбини эгаллаш учун гўёки "мусобақа" бормоқда. Уларнинг ҳаётини, ёруғ интилишларини барбод қилиб, тўғри йўлдан чалғитишга уринишлар бўлмоқда.

Шундай вазиятда давлатнинг ёшларга ғамхўрлиги янада яққол сезилмоқда. Давлат ёшларни — ўз келажагини ҳимоя қилмоқда. Ёшларимиз орасида ҳар тарафлама тушунтириш ишлари йўлга қўйилган. Тарғибот-ташвиқот ишлари кучайтирилмоқда. Миллий мафкура, миллий ғоя асослари ёшларимиз қалбига сингдирилмоқда. Зеро, пок ниёт, эзгу орзу-умид билан яшаётган, ўқиб-изланаётган ёшлар — эртанги ҳаётимиз. Эртанги кунимиз мана шу ёшларнинг қўлида, ёшларнинг ҳаракатида, ёшларнинг қурбида, керак бўлса, қудратида.

Бугунги ёшлар ҳар қандай буюк мақсадларга эришиш ўзларининг ғайратига, меҳнатсеварлигига, интилишига боғлиқ эканини англаган фуқаролардир. Улар Ватан деган улкан хонадонимизни асраб-авайлаш, хавф-хатар ва таҳдидлардан ҳимоялашни ўзларининг фарзандлик, фуқаролик ва Аллоҳ олдидаги бурчлари деб биладилар.

Замонавий фикрлайдиган, мустакил дунёқарашга эга, Ватанга садоқат, ота-онага ҳурмат руҳида тарбия олаётган, жаҳон тараққиёти ва илғор маданиятига баробар юришга интилаётган йигит-қизлар билан бир қаторда, афсуски, ҳали шу даражага етмаган ёшларимиз ҳам борлигидан кўз юмолмаймиз. Бу ҳол баркамол авлоднинг вояга етказиш, уларга зарур таълим-тарбия бериш борасида ҳали қилинадиган ишлар кўплигини кўрсатади.

Ватанимиз ёшлари ҳақида сўз борганда меҳнатсеварлик, тиришқоқлик, қатъият, мардлик, илмга чанқоқлик каби фазилатлар алоҳида қайд этилади. Дунёнинг қай бир мамлакатда бўлмасин, Ўзбекистон ёшлари деб урғу билан айтилади. Комил инсон бўлиб шаклланаётган, баркамол авлод бўлиб мустаҳкамланаётган, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо, Намоз Ботир, Усмон Носир каби жасоратли, фозил, буюк аждодларнинг ҳақли ворислари бўлмиш Ўзбекистон ёшлари бундай пок, бундай қутлуғ номга ҳар жиҳатдан муносибдирлар.

Салим АШУРОВ



— озодлик ва тўғри сўзнинг душмани эди. Қатъиятли, адолатпарвар ёшлар сиймосида ўз душманини кўрарди.

Ота-боболаримиз ёшлик жасорати, ғайрат-шижоат, зеҳн-заковатлари билан, юксак маърифат ва маданият эгаси эканликлари билан дунёни ҳайратга солиб келаётган буюк тарихимизни яратдилар.

Азал-азалдан ўзбек ёшлари доно ва истеъдодли, ақл-идроқли, пок ва ҳалол бўлишган. Шу фазилатлари билан халқимиз номига гард юққани кўйишмаган. Бугунги метин саф — навқирон ёшларимизнинг томирларида ҳам башарият маънавий хазинасига улкан хисса қўшган Имом Бухорий, ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби беназир мутафаккирларимизнинг қони жўшурмоқда. Улар ўз истеъдодларини, Ватанга бўлган муҳаббат ва садоқатни жуда ёшлик чоғлариданок намоён қилмоқдалар.

Ривожланган мамлакатларда ўқиб, жаҳон андозалари даражасида билим олиб, энг замонавий касб-хунарларни, техника ва технологиялар сир-синоатларини кунт билан ўрганаётган ёшларимиз оз эмас. Улар миллат манфаатларини ҳар нарсадан устун қўядиган, она-Ватанга садоқатли йигит-қизлар бўлиб етишишмоқда.

Яқин йилларда матбуотда ўн икки ёшли ҳамюртимиз Муроджон Шариповнинг Жаҳон ункисодиёти ва дипломатияси университет талабаси бўлгани ҳақида ёзилган эди. У астойдил ўқиб-изланиб, бугунги кунда янада

мамлакатларининг етакчи дорил-фунунларида таҳсил олмоқдалар. Болаларимизни дунёнинг ривожланган давлатларида ўқитишни, Ўзбекистон ёшларининг дунёга чиқишини асримиз бошида халқимизнинг энг илғор вакиллари бўлмиш жадидлар ҳам орзу қилишган. Мустақиллик берган имконият туфайлигина уларнинг эзгу ниятлари тўла амалга ошди.

Фарзандларимизнинг ақлий салоҳияти юқори эканлигидан далолат берувчи бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ўзбекистон — улкан имкониятлар мамлақати дейилганда халқимизнинг интеллектуал салоҳияти ҳам тушунилади, албатта. Зеро, **Ўзбек миллатининг, ўзбек фарзандларининг қобилият, зеҳн-заковат, тиришқоқлик борасида ҳеч бир миллат ёки халқдан қолишадиган жойи йўқ.** Ёшларимиз бугунги кунда давр билан ҳамқадам, илғор дунёқарашга эга. Айна пайтда жамият, давлат, оила олдидаги ўз масъулиятларини чуқур англаб етдилар.

Ёшларимиз ҳақида гап борганда ўтган йил рўй берган бир воқеани эсламасликнинг сира иложи йўқ. Ушанда Тошкентдан Хоразмга бораётган автобусни ашаддий жиноятчилар гаровга олишга уриндилар. Йўловчилар — ўнлаб инсонларнинг ҳаёти хавф остида қолди. Вазият ниҳоятда қалтис эди. Шунда Ўзбекистоннинг бугунги ёшлари олис аждодларнинг жасоратини такрорлашди, десак ҳеч ҳам муболаға бўлмади. Хуқуқ-тартибот идораларининг ёш ходимлари ўз жонларини қурбон қилиб бўлса-да, одамлар ҳаётини сақлаб қолиш-

ёруғ, келажаги порлоқдир. Шу боис ёшлар — Ватан таянчи, халқимизнинг орзу-умиди деймиз.

Юртимизга берилган таърифлар орасида, Ўзбекистон ёшлар мамлақати, деган эътироф алоҳида аҳамият касб этади. Бу бежиз эмас, мамлакатимиз аҳолисининг катта қисми ёшлардан иборат. Бу мамлакатимизнинг ҳар жиҳатдан куч-қудрат захираси катта эканлигини, давлатимиз ривожланиши учун кенг имкониятлар мавжудлигини исботлайди.

Президентимиз ёшлар билан ишлаш масалалари алоҳида эътибор талаб қилиши ҳақида гапириб: **"Биз мамлакатимизнинг истиқболи ёш авлодимиз қандай тарбия топишига, қандай маънавий фазилатлар эгаси бўлиб вояга етишига, фарзандларимизнинг ҳаётга нечоғли фаол муносабатда бўлишига, қандай олий мақсадларга хизмат қилишига боғлиқ эканини ҳамиша ёдда тутишимиз керак. Бизнинг бугунги меҳнатимизга қандай баҳо берилиши ҳам ана шунга боғлиқ"**, - деган эдилар.

Бугунги ёшлар:

- мустақилликнинг қадрига етади,
- ўз кучига, эртанги кунга ишонади,
- Ватанни, халқни ҳимоялашга тайёр,
- билимга чанқоқ,
- тadbиркор,
- боқиманда эмас,
- мустакил фикрга эга,
- онги шўро тузуми ғоялари билан захарланмаган...

Ёшларимизнинг фазилати-ю, имкониятлари кўп. Бу имконият-

СОҒЛОМ АВЛОД

ЭРКА ҚИЗИМ,
ТАМТАМ ҚИЗИМ...

Алла-ё алла,
Оппоқ қизим, алла,
Қаймоқ қизим, алла,
Гўзал қизим, алла,
Асал қизим, алла,
Овунчоғим, алла-ё, алла,
Оқча қизим, алла,
Санам, қизим, алла,
Тамтам қизим, алла,
Эрка қизим, алла,
Чаман қизим, алла,
Саман қизим, алла,
Шакар қизим, алла,
Дакар қизим, алла,
Шодмон қизим, алла,
Алла-ё, алла,
Ётсин қизим, алла,
Ширин ухлаб, алла,
Қотсин қизим, алла.

* * *

Алла болам, алла,
Бешигинг кўшига алла,
Кўшкарлар кўндирдим,
Сенинг учун толени
Йўқ жойлардан йўндирдим.
Сочимнинг тилло тароғи, алла,
Боримнинг кумуш яроғи, алла,
Ойисининг кўнғироғи, алла,
Отасининг чақмоқ чироғи, алла.
Адрас тўнлар кийиб, алла,
Ўз хуснингга тўймагин, алла,
Катта бўлгин улғайиб, алла,
Олтин ошиқ ўйнагин, алла.
Тилаб-тилаб олганим,
Тилов болам, алла.

Фарзандларимизнинг руҳан ва маънан соғлом, жисмонан бақувват ва тетик бўлиб унибулғайишларида алланинг аҳамияти беқиёс. Алла эшитган боланинг зеҳни ўткир бўлишини, ақлий ва жисмоний жиҳатдан яхши ривожланишини фан исботлаган. Чунки, аллада ҳар қандай дори-дармондан ҳам шифобахшроқ бўлган илоҳий сеҳрсиноат, яъни она меҳри, она қалбининг ҳарорати уфуриб туради.

Алла она меҳридан йўғрилган майин юрак садоси. Бу садо шу қадар сержило ва сермазмонки, унинг таърифига сўз ожиз. Аллада илтижо-ю, сеҳр, ҳазинлиги меҳр, қолаверса, энг пок ҳис-туйғулар, эзгу тилаклар мужассам.

Халқимиз бешикда, беланчада ором олаётган чақалоққа барча эзгу-ниятларини, гўзал кўшиқлари — аллалари билан баён этади. Алла халқимиз минг йиллардан буён куйлаб келаётган кўшиқнинг қадимий тури бўлиб, энди туғилган чақалоқ — ёш болаларни ухлатиши, ором бериш учун оналар куйлайдиган кўшиқдир.

Бошқа халқлардаги каби ўзбек алласи ҳам махсус ижро — оҳанг билан куйланади.

Кўшиқнинг гоёти гўзал ва жозибали тури бўлган аллада онанинг болага бўлган меҳру муҳаббати, эзгу ниятлари, орзу-умидлари билан бир қаторда руҳий кечинмалари, изтироблари ҳам ўз ифодасини топади.

Ота билан онанинг қора кўзи, алла,

Сайраб турган булбулдай ширин сўзи, алла.

Тез ўсиб катта бўлгин, жоним болам алла,

Менинг тилак мақсадим шунинг ўзи алла.

"Алла-ё алла", "Алла болам, алла-ё", "Жоним болам, алла" каби мисралар алланинг ҳар байти ёки бандидан кейин такрорланиб келиб, асосан тўртликдан иборат бўлади. Бироқ ижрочи тўлқинланиб кетган ҳолатларда унга бошқа мисралар қўшиб ижро этиши мумкин.

**Алла, болам алла,
Жону дилим, алла,
Ипақлар бўлиб эшилгин,
Келин бўлиб қўшилгин,**

Ислом КАРИМОВ:

Миллатни дунё майдонига унинг билимли, доно ва ақлли фарзандларигина олиб чиқади.

Маърифатхон болам, алла,
Тахтиравон тузилсин.

Алла устида тадқиқот олиб борган кўлгина олимлар унинг тарихий асослари жуда қадимий эканлигини эътироф этишади. Бироқ алла айнан қайси бир даврда юзага келганлиги борасида аниқ бир фикрни айтиш анча мушкул.

Алла айтиб юпатай, ўтла

мардлик, ботирлик тушунчаси. У илоҳий тушунча, илоҳий шажара билан боғланадики, бу мифологик тасаввур эпос ва аллаларимизнинг қадим намуналарида янада ёрқинроқ намоён бўлади.

Албатта, алланинг қадим намуналари асрлар мобайнида бир қанча ўзгаришларга учраган. Асрлар давомида халқ алла ижроси-

боланинг дунёга, оламга муносабати шаклланади.

Бу масала нафақат ўзбек, балки дунё халқлари фольклоршунослари олдига энг муҳим тадқиқот майдони бўлиши шубҳасиздир. Бироқ аллада шундай образлар учрайдики, бу образлар қадимийлик жиҳатидан халқнинг тоғтем қарашларига бориб тақалишни илғаб олиш мушкул эмас. Шунинг учун айтиш мумкинки, деярли барча халқларда учрайдиган алланинг асосий қисми асосан шу халқнинг қадим тасаввурлари билан боғлиқ. Албатта, қадим аллалар бизнинг кунларга-

МИЛЛАТНИНГ

**бўл деб ўргатай,
Бедов бўлгин Ғиротдай,
тулпор бўлгин, алла,
Эл-юртингга доимо даркор бўлгин, алла.**

**Алла айтиб садосин, садолардан сўрайман,
Ўз халқига содиқ бўлган, болалардан сўрайман.
Паҳлавон бўл Рустамдай,**

Аллалар болани ҳаётга муҳаббат руҳида тарбиялашда жуда катта аҳамиятга эга.

Элим севган дostonдай.

Ватанига керагим, алла-ё, алла.

Мазкур алла бошқа аллалардан қаҳрамонлик мотивига кенг ўрин берилганлиги билан ажралиб туради. Бу тушунчалар от култи билан боғлиқ бўлиб, бу эътиқод излари кўшиқларимизда ҳам сақланиб қолган.

А л л о м и ш ,
Гурўғли, Рустам эса халқимиз севиб куйлаб келаётган дostonларнинг қаҳрамонларидир. Бу қаҳрамонлар энг аввало Алл бўлганликлари билан ҳам эътиборлидир. Аллик нафақат

нинг янги ва янги қирраларини кашф этиб, уни янги тушунча, тасаввур гоё ва образлар билан бойитиб борган. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, алла ўзбек фольклорининг энг қадимий намуналаридан биридир.

Аллалар аслида болани ухлатиш учун айтилади ва айнан шу ухлатиш учун боланинг ёшига,

яъни туғилганига неча ой бўлганига қараб айтилади. Аллада сўзлар содда, раво, мушқий бўлади. Алланинг шартли ҳам шундаки, унда тушунарсиз сўз

бўлмаслиги ва алла оҳангига мос бўлиши шарт. Алла эса аста-секин боланинг ҳаёлий ҳисларини кўзгайди, унда олам, борлик, ота-она, дунё, ҳаёт, тириклик, табиат ҳақида бирламчи тасаввурлар, бирламчи ахборотлар уйғотади. Ана шу бирламчи тасаввурларда

ча дастлабки кўринишида этиб келиши мумкин эмас. Бироқ, образлар, тасаввурлар, оҳанг ўша қадимги ҳолатича сақланиб қолиши мумкин.

Шуни алоҳида таъкиллаш лозимки, аллалар ўзининг сўз тузилиши, образлиги, мураккаблигига қараб бир неча турга бўлинади. Бола бешикка солинган дастлабки ойларида бола бир хил, қайтариқ, содда сўзлар такрори гўдакни ухлатади. Бу пайтда болага тасаввур берадиган ёки ҳаёлий тасаввур уйғотадиган, "хабар" айтилмайди. Аксинча, оҳангдош сўзлар такрори муҳим бўлади ва бола ҳам ана шу бўғини кўп бўлмаган сўзлар оҳангига ухлайди.

**Алла, болам, алла,
Жоним болам, алла,
Икки кўзим, алла,
Ширин сўзим, алла.**

Ана шу ритмика бола ухлагунча кетавериши мумкин; Аллага қўшилаётган сўзлар ана шу ритмикани бузмайди ва "алла" сўзи ҳар икки-уч сўз орасига тушиб туради. Бундай пайтда алланинг мазмунини эмас, оҳанги муҳим бўлади. Агар бадшайт нуқтаи назаридан қарасак, бу алла сўзга жуда қашшоқдай туюлади. Лекин, гўдакка ана шу сўзларни такрорлашдан пайдо бўладиган бир хил оҳанг тез таъсир қилади.

Бироқ вақт ўтиши билан бола атрофидаги оламни англай бошлайди, баъзи сўзларни тушунади, баъзи буюмларнинг отини ўзлаштиради. Бун-

БАРЧАМИЗНИНГ
БУРЧИМИЗ

Тез кунларда мактаб ўқувчиларининг 1999-2000 йил ўқув йили тугаб, орзиқиб кутилган ёзги дам олиш таътили бошланади.

Болаларнинг мириқиб ҳордиқ чиқаришлари учун мамлакатимизда барча шароитлар муҳайё. Кимдир бу даврни уйда ўтказса, кимдир турли оромгоҳ ва сикатгоҳларда ўтказди. Қаерда бўлишмасин ёлғиз қолган болалар ёнғининг олдини олиш қоидаларига мунтазам амал қилишлари лозим. Афсуски, бу қоидаларни билмаслик ёки била туриб унга амал қилмаслик кўп ҳолларда оғир оқибатларга олиб келмоқда. Шу йилнинг ўзида мамлакатда 928 та ёнғин содир этилиб, натижада 122 нафар ўғил-қиз турли даражада куйиб жароҳатланди. Энг ачинарлиси 18 нафар бола бевақт ҳаётдан кўз юмди.

Бундай бахтсизликлар рўй бермаслиги мумкинми? Мумкин, албатта. Болаларимизни гугурт, газ, электр манбаларидан ўзбошимчалик билан фойдаланишларига йўл қўймасак, нохуш ҳолатларнинг олди олинади.

Бунга оила, маҳалла ҳамда ўқув муассасалари ҳам масъулдир. Бахтсиз фожеаларнинг олдини олиш учун кенг жамоатчилик уюшган ҳолда иш олиб бориши керак. Чунки, болаларимизни кўз қорачигимиздек асраш, улар саломатлигига қайғуриш барчамизнинг бурчимиздир.

**Баҳром ЮНУСОВ,
ички хизмат подполковниги**

Баркамол авлод ҳар бир миллатнинг азалий орзуси. Орзунинг ўзи билан иш битмайди. Тошкент вилояти, Паркент туманида Ўзбекистон ёшларининг "Камолот"

АЗАЛИЙ
ОРЗУ

жамғармаси ва Ибн Сино халқаро жамғармаси ҳам-

корлигида ўтказилган илмий-амалий семинар Соғлом авлод давлат дастурининг амалда бажарилишига бағишланди.

Семинарда оналар ва болалардаги камқонлик муаммолари, қариндош-уруғ ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари олдини олиш борасида мутахассисларнинг маърузалари тингланди.



Дилбар ТУРҒУНОВА

НИҲОЛНИ
БОШДАН
АСРА

Бир туп ток эксанг,
Бир туп тол эк.

Бола ўнга кирса,
Отаси сонга кирар.

Ватанинг тинч — сен тинч.

Вақт — омад.

Фарзанддан йўрғак аяма.

Эл тутганини эр тутар.

Юрт қўрсанг, ўзарсан,
Қўримасанг, тўзарсан.

Арпа эккан, арпа олар,
Бугдой эккан, бугдой олар.

Отанг боласи бўлма,
Одам боласи бўл!

Арслон боласи арслон бўлади.

Дўппининг тагида одам бор.

Сақлаганга бало йўқ,
Сақланмаса даво йўқ.

Давлатинг — ўғил-қизинг.

Одамнинг меваси — бола.

Фарзанд — белнинг қуввати.

Эт билан тирноқни ажратиб бўлмас.

**Ўзбек халқ
мақоллари**

БУЮК ДАВЛАТ ТАЯНЧИ

дай пайтда алла ҳам боланинг онгига мос равишда сал мураккаб-лашади ва у болага атрофидаги олам билан муносабатга киришишга ёрдам беради, баъзи нотаниш буюм ҳақида тасаввур уйғотади. Шу сабабли бу даврнинг алласида сўзлар сеҳрини ва уни образли шарҳ қилиш сезила бошлайди.

Бетимнинг қизили, болам, Тилимнинг узуну, болам. Алла болам, алла болам. Кўриниб турибдики, бу ерда бола биринчи аллага нисбатан ташқи, ўзини ўраб турган олам билан кўпроқ танишапти. Бола

Ислом КАРИМОВ:

Соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказиш, уларни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб улғайтириш учун шароит яратиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

у билан боғлиқ тушунчалар барибир халқ ичиде сақланиб қолаверган.

Алланинг энг муҳим жиҳати унинг тарбиявий-ахлоқий жиҳатидир. Оналар аллаларга ўз тарбияларини ҳам сингдирадидлар ва булар бари гўдакнинг онги шаклланишига ёрдам беради. Аллаларда баъзан она алла орқали ўз дарди-

ерга боришини орзу қилувчи аллалар ҳам кўп-кўп учрайди. Бу ерда она болани бевосита бирор-бир жойга эмас, балки хаёлий бир юртга ундаётгандек бўлади. Бундай аллалар бола тасаввурда гўзал бир юрт, жой, макон тушунчасини пайдо қилади. Кўпинча бундай аллалар болани меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялай-

ни ўша пайтдаги аҳвол-руҳияси ҳам ўз аксини топади.

Зарга тўлди билагим, Зардобга тўлди юрагим. Алла, алла айтайин, Устингга тўним ёпайин. Бу ғариблик хасратин Кимларга бориб айтай? Сўйла, сўзим алла.

Халқ ижоди мисоли жўшқин дарё; унда халқнинг ҳаёт тарзи, ўй-ю, кечинмалари, тушунча ва тасаввурлари, орзу-умидлари дилрабо кўшиқларга айланиб, дарё тўлқинларидек мавжлана-мавжлана асрлар оша аждоқлар

ДУПУР-ДУПУР ОТ КЕЛДИ

Жоним дармоним, болам, Алла қилгин жоним болам. Алла-ё алла.

Бошимга посбоним, болам, Юлдузли осмоним, болам. Алла-ё алла.

Икки дунё офтобим, Роҳатим жоним болам. Алла-ё алла.

Шугина ётган мунчоқни, Интизори келарму. Алла-ё алла.

Йиғламагин жон болам, Дупур-дупур от келди, Отагинанг шод келди. Алла-ё алла.

* * *

Айланайин, ойдиним, Эл ичиде сойдиним. Кўлимдаги туйғуним, Гапга тушган кузғуним. Алла, болам, алла-яй, Жоним болам, алла-яй. Айланайин, оппогим, Овунчоғим, алла-ё, алла.

Эрта турсам — кўлимдасан, Йўлда юрсам — йўлимдасан. Чаккамга таққан гулимсан, Суюклигим, алла-ё алла.

* * *

Булбул қушимнинг боласи, Олтиндандир қалъаси, Алла-ё алла. Сутдан оппоқ, гулдан ислим, Ширинликда йўқдир мисли, Алла-ё алла.

Олти ўғлоннинг султони, Сенга қоқиндиқ шу жоним, Алла-ё алла.

Орзуларим олтин тожи, Менинг жоним шунинг божи, Алла-ё алла.

МУҚАДДАС КҲШИГИ

энди "бет", "тил", "қизил" ва бошқа шу каби сўзлар билан танишади ва бу сўзларда зухур этилган маъноларни аста-секин англашга киришади. Гўдак учун энг муҳими оҳанг. Бироқ у секин-аста сўзларни тушунишга уринади. Алла эса унга бу борада ёрдам беради. Алла боланинг онгига мос ҳолда мураккаблашиб боради.

Тол учидан танаб олган, Тол чавқанним, болам алла, Гул учидан искаб олган, Гулу райҳоним, алла.

Бола бу каби аллалар ёрдамида онанинг меҳрини, гўзал, беозор нарсаларни англайди ва бора-бора яхши-ёмон деган тушунчаларни, буюмларни тушуна бошлайди.

Алла, алло-яй, отинг яхши, Минг қайғу-ғамдан шодлик яхши.

Қадринг билмаган қариндошлардан,

Қадрингни билган ёт яхши. Фольклоршунос олима М.Алавия "Садағанг бўлай", "Жоним тасаддук", "Садқаи соринг бўлай", "Жонимни қоқай" каби иборалар аллада кўп қўлланганлигини келтириб ўтади.

Бу иборалар қадим тасаввурлар билан боғлиқ бўлиб, унинг моҳиятида аждоқлар руҳига бўлган ишонч — эътиқод тушунчалари ётади.

Садағалар сайлансин, бувак, Жоним сендан айлансин, бувак.

Қадим тасаввурнинг асл моҳияти унутилган бўлишига қарамай,

ҳасратини айтади. Бундай аллалар ўзбек аллаларининг аксариятини ташкил қилади.

Юм кўзинг, юлдузим, Юмгин кўзингни, юлдузим. Алла, алла демасам, Йиғлаб ўтар кундузим...

Бу ҳасратлар гўдакни чинакам шафқат, меҳр руҳида тарбиялайди. Алла оҳангидеги ғамгинлик, маҳзунлик гўдакни чинакам инсоний дарани англашга ўргатади, алла оҳанглари билан бирга қирган инсоний оғриқлар болани бир умр тарк этмайди.

Алла ўз номи билан алла, яъни бу гўдак тарбияси, ахлоқидеги муҳим ўрин тутади. Шу сабабли ҳам аллаларда қаҳрамонлар, яшаётган юрт образи ота-она эришолмаган орзулар жой олади.

Она алласи билан болани гўё шу юртга, шу миллатга садоқат руҳида, ўзи яшаётган юрт табиати, одамлари, ҳайвонлари билан эш қилиб тарбиялайди. Буларнинг бари бола хаёлида гўзал, ажиб бир орзунни пайдо қилади, бола хаёлида юрт, Ватан, миллат тушунчалари шакллана бошлайди ва алла орқали болага ўтган ҳиссиётлар бир умр кетмас бўлиб қалбига ўрнашади. Бола қалби мисли қороз. У ерга нима ёзилса ўша ўрнашиб қолади. **Бола тарбиясида алланинг ўрни каттадир.**

Ўзбек аллалари ичиде болани узоқ юртга ёки ота-она орзу қилган жойга ундовчи ва болани ўша

ди. **Суйса-суйсин деб берган, Меҳри қонсин деб берган, Алла, болам, алла-ё, кўзим, алла-ё.**

Аллаларни талқин қилиш шуну кўрсатадики, алла айтувчи она қайси касбга даҳлдор бўлса ёки ўша ерда қайси ишлаб чиқариш усули устун бўлса, ўша нарса аллаларда яққол сезилади. Масалан, чорвадор боласини "кўзи-улоқ боққан" деб эркалайти, боғдорчиликка асосланган жойларда "гулу-гул-

камолни бизнинг кунимизгача етказиб келмоқда.

Кўшиқнинг ғоят гўзал, жозибали тури бўлган аллаа онанинг болага бўлган меҳр-муҳаббати, эзгу ниятлари ва орзу-умидлари мужассамлашган.

Бошимда тожим, алла, Кўзимдаги ғавҳарим, алла. Суйанган тоғим, алла. Подшоҳим, султоним, алла.

Сочлари мажнунтолим, алла. Бешикдаги қанотим, алла, Дармоним, алла. Маржоним, алла.

Болани бешикка маҳланган ҳолда солиб, уни ухлатиш, ором олдариш, овутиш; севиб эркалаш учун айтилиб келган, асрлар давомида севиб, қуйлиб келинаётган алла халқимиз тарихининг, маънавиятининг бир бўлаги бўлиб, энг аввало дидактик тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Аллада халқнинг орзу-умидлари, ўй-хаёллари, яшаш тарзи, интилизлари, курашлари ўз ифодасини топар экан, даврлар ўтиши билан, алладаги образлар эволюцияси, поэтик кўлами ҳам кенгайиб бораверлади.

Жаббор ЭШОНҚУЛОВ

Алла эшитиб улғайган бола гўзаллик, яхшилик, эзгулик тушунчаларини тез улғайди. У руҳан бу нарсаларга тайёр бўлади.

зор, ниҳол эккан, терак эккан", деҳқончиликда эса "кўш ҳайдаган" каби аллалар кўп-кўп учрайди. Аллалар билан меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялашда жуذا катта аҳамиятга эга.

Талқинотлар шуну кўрсатмоқдаки, алла эшитмаган бола тарбияси дунёга, табиатга муносабати ўртасида катта фарқ бор. **Алла эшитиб улғайган бола гўзаллик, яхшилик, эзгулик тушунчаларини тез улғайди. У руҳан бу нарсаларга тайёр бўлади.**

Аллаларни талқин қилишда шу нарса аён бўлидики, аллада нафақат болага хос тасаввур, балки алла тўқилган жамият, ота-она-

ри ва Болгария вакиллари ҳам иштирок этдилар. Ўзаро ҳамкорлик ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Темир йўлда юк ташиш ҳажми мунтазам ортиб бораётганлиги бунинг далилидир. Россия ҳам темир йўл қатнови яхшиланишидан ман-



Жаҳон меъморчилик санъати намуналари

ТАФАККУР ГУЛАШАНИ

Жисмоний гўзаллик ҳамиша соғломлик, тошиб турган куч-ғайрат ҳақидаги тушунча билан уйғуллашиб кетади.

Маънан соғлом бўлиш учун жисман бардам бўлиш ҳам лозим.

Л.Н.Толстой

Рух қалъасини сақлаб қолиш учун жисм қалъасини мустаҳкамлаш зарур.

В.Гюго

Бадантарбия билан шуғулланиш ва ноҳўя ишлардан ўзини тийиш туфайли кўп одам табобатга муҳтожлик сезмайди.

Ж.Аддисон

Бадантарбия кўп-кўп доридармоннинг ўрнини босиши мумкин, лекин бирорта дори ҳам бадантарбиянинг ўрнини босолмайди.

А.Мюссе

ФРАНКФУРТ. Германияда автотранспорт ҳалокати туфайли ҳалок бўлаётганлар сони кўпаймоқда. Статистик маълумотларга қараганда, жорий йилнинг биринчи чорагида 1720 киши ҳаётдан кўз юмган. Бу кўрсаткич ўтган йилгига нисбатан ўн баробар кўп. Мутахассисларнинг фикрича, ҳалокатларга асосан ҳайдовчиларнинг автомобилни юқори тезликда ва маст ҳолда бошқариши сабаб бўлмоқда.

СИДНЕЙ. Австралия ҳукумати Тинч океанининг жанубий қисмида жойлашган Фиджи давлати президентини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини маълум қилди. Ўтган ҳафта бир гуруҳ исёнчилар Фиджи ҳукуматиға қарши давлат тўнта-риши уюштиришга ҳаракат қилган эди. Айни пайтда Австралия ҳукумати исёнчиларни қуролларни ташлаб, ҳукумат вакиллари билан тинч музокара ўтказишга қақирмоқда.

КОЛОМБО. Шри-Ланка ҳукумати мамлакатда тинчлик ўрнатиш мақсадида хориждан баҳоси юз эллик миллион АҚШ доллариға тенг келадиган миқдорда қурол-аслаҳа сотиб олишни режалаштирмоқда. Хабарларға қараганда, Исроилдан қирувчи само-

лётлар ва замонавий қуроллар харид қилиниши керак. Маҳаллий кузатувчиларнинг фикрича, бу Жафна шаҳрини тамил айирмачилари ҳужумидан ҳимоя қилишга ёрдам беради.

МОСКВА. Россия ташқи ишлар вазири Игор Иванов мамлакатда меҳмон бўлиб турган Швеция бош вазири ўринбосари Леной Ельм-Вален билан музокара ўтказди. Унда икки томонлама иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ҳамда Россия билан Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

ИСЛОМОБОД. Покистон ҳукумати "Толибон" ҳаракатидан Афғонистон худудида яшириниб келаётган саудиялик террорчи Усама бин Лодинни АҚШ ҳукуматиға топширишни сўради. Бироқ толиблар бу масала бўйича ҳали аниқ бир қарорға келгани йўқ.

Маълумотларға кўра, "Толибон" вакиллари Афғонистонда яшириниб юрган ўнга яқин покистонлик жиноятчиларни ўз мамлакатига қайтаришини маълум қилгандан сўнг, Покистон ҳукумати уларға мазкур таклиф билан муурожаат қилган.



СЕНИ ВАТАН КУТЛАДИ...

Ёшларимиз табиатида азалдан илмга ташналик, зукколик бор. Шунданми, бугуннинг ёшларида чексиз гайрат шикоятни кўриб, беихтиёр қойил-э, деб юборасиз. Мамлакатимизнинг хурлиги, осойишталиги туфайли бу ёшлар хорижнинг энг нуфузли олий ўқув юртларида тахсил олишмоқда. Келажак юкини кўтара олган ёшларнинг ҳаёт йўлидаги интилишини кўриб қалбимиз гурурга тўлади.

Ҳадемай мактабларда бу йилги ўқув соатлари ҳам нитади. Битирувчиларнинг қувончи чексиз, аммо **бугунги мактаб битирувчилари ўзларига кўрсатилаётган ишончни оқлай олишадими?**

Муҳаббат АХМЕДОВА, Тошкент шаҳри, 110-мактаб илмий мудир:

— Бизнинг мактабимизда ёшларни ҳаётга тайёрлаш борасида анча ишлар қилинди. Мухими, ўқитувчиларимиз ёшларнинг орасига кириб, уларнинг ичидан қобилиятли, фидойиларни танлаб, ўқувчи қизиқиши, хоҳиш-истагига кўра маълум соҳага йўналтира оляпти. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ғояси ўз-ўзидан пайдо бўлмаганлигини биз тўғри тушунамиз. Президентимиз айтганларидек, Ватанимиз, халқимиз номигагина битирувчиларга эмас, ҳар томонлама зукко мутахассисларга эҳтиёж сезади. Шу боисдан уларнинг интилишини рўёбга чиқаришга, ўзи учун энг мақбул йўлни мустақил равишда танлашига имкон яратиб беряпмиз.

Ўқув қайда бўлса, улуглик бўлар. Билим қайда бўлса, буюклик бўлар.
Юсуф Хос Ҳожиб

КўНГЛИНГДА НЕ ГАП БОР, СИНФДОШ?

Сўхбатимизни ана шу мактабнинг 11-синф ўқувчилари билан давом эттирдик.

— **Сўнги кўнгирикда ҳам саноқли кунлар қолди. Битирувчи сифатида бу кунни қандай кутяпсизлар?**

Дилноза АКБАРОВА:

— Ҳеч ишонгимиз келмайди. Нахот, 11 йил бир партада ўтириб ўқиган синфдошлардан, бизга таълим берган устозлардан бир кунда ажраласак.

Ҳам қувончли, ҳам ҳаяжонли дақиқаларни бошдан кечираётган бир пайтда орзуларимизнинг манзилига қараймиз. Ишонманки, бу манзил яқин. Бунга ақлимиз, билимимиз билан эришишга ишончимиз комил.

Соҳида АБДУХАКИМОВА:

— Вақт ҳамиша ўз ҳукмини ўтказиб келмоқда. Тўғри, ҳадемай кўнгирик жаранглайди-ю, мактабдаги ҳаётимизга яқун ясалади. Ҳаёт шунчалар шиддат билан ўтишини ким ўйлабди, дейсиз.

— **Биринчи кўнгирик билан сўнги кўнгирик ўртасидаги фарқи, ўйламанки, бугун жуда яхши ҳис қиласиз.**

Нилуфар ШОКИРОВА:

— Биринчи синфга қадам қўяётганим кечагидек эсимда. Ушанда ўн бир йил жуда узок вақтдек туюлганди. Эсимда, битирувчи опа-акаларимизни гул билан табриклагандим. Ушанда уларнинг кўзидаги ёшни кўриб, тўғриси таажжублангандим. Энди билсам, бу кўз ёшлар қувонч ёшлари экан.

Суръат ИНОҒОМОВ:

— Бугун ўзимизнинг катта

лиятимиз, зехн-заковат, тиришқоқлигимиз борасида ҳеч бир миллат ёки халқдан қолишадиган жойимиз йўқ.

— **Талабаликни олтин давр дейишади. Ўқувчилик даврининг қиёси борми?**

Олим ИСХОҚОВ:

— Ўқувчилик энг бебаҳо давр. У бизнинг барча эркаликларимизни кўтаради. Мактабни тугатиш, ўқувчиликдан воз кечиш ҳақида ўйлаётганимиз кўзларимизга ёш тўлаяпти. Чунки, болаликдан бирга ўсган ўйинқароқ синфдошлар давраси, ота-оналаримиздек меҳрибон устозлар, яна шу кунларни эслатиб турувчи синфхоналарни ташлаб кетиш осонми?

— **Орзуларингиз?**

Хусан МАҚСУДОВ:

— Орзуларимиз бир олам. Яхши одам бўлиб, халқнинг дуосини олсам, шу миллат мени ҳам бу менинг фарзандим, унда ўзбекнинг қони оқмоқда дея фахр билан айтишини хоҳлайман.

Лайло РУСТАМОВА:

— Мен келажакда журналист бўлмоқчиман. Ҳақиқатга йўғриладиган қаламим халқ манфаати, юрт ривожини йўлида ҳеч чарчамайди, дея умид қиламан. Бугун мактабни муваффақиятли битираяпман, эртага ҳаёт мактаби. Бу йўлда бизга кўрсатилаётган ишончни оқлайман, деб фахр билан айтаман.

Бугунги битирувчиларнинг орзулари мўл, ҳаваслари катта. Ажаб эмас, бу тиниб-тинчимас

Хуршида АШУРОВА, 11-синф раҳбари:


— Сўнги кўнгирикда битирувчилар билан, тўғрироғи ўғил-қизларим билан хайрлашиш шунчалар оғирки, буни сўз билан ифодалашим қийин. Уларга шу даражада ўрганиб қолганманки, шўхликларини кўмсайман ҳам. Мактабни битирган ўқувчиларимни энди қанот чиқарган по-

УСТОЗ, СИЗГА ТАЪЗИМ ҚИЛСАК ОЗ

лапонга ўхшатаман. Улар учини хоҳлайди. Истардимки, ўқувчиларимнинг доимо парвоздаги қанотлари ҳеч қайрилмасин. Доим юксаклик, улугворлик сари интилавсин.

Озода Икромова, тарих ўқитувчиси:

— Мактабимизда "Сиз тарихни биласизми?" кўриктанлови ўтказилганди. Ушанда мен тайёрлаган синф шаҳар бўйича 2-ўринни эгаллади. Синфни ўқувчиларимиз "Нурли келажак" деб номлашганли. Ўқувчиларимнинг



ХАЙР, МАКТАБ

*Синфдош қиз, тийра қош қиз,
Қора кўз, зулфи кўнгирик.
Энди қачон учрашамиз —
Жаранглар сўнги кўнгирик.*

*Бунчалар аччиқ шодлик бу,
Бунчалар ширин айрилиқ.
Энди ҳаёт — тез оқар сув,
Бокмагай ортга қайрилиқ.*

*Хайр мактаб — нурли маскан,
Сен биздан ҳам қолаясан.
Синфдош қиз, кўнгирикмас,
Юрагимни чалаясан.*

*Бу жарангда синиб борар,
Болаликнинг шодон саси.
Елкамизга миниб борар,
Минг ташвишнинг минг эркаси.*

*Оқимларда оқиш энди,
Ким ўзарга чопиш энди.
Танаффусиз мактаб магзин,
Кўнгириксиз чақиш энди.*

*Хайр мактаб — нурли маскан,
Қолаясан.
Кўнгирикмас,
Қапсан.*

Кувондик СОДИҚОВ

БАРЧАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

Тез кунларда мактаб ўқувчиларининг 1999-2000 йил ўқув йили тугаб, орзиқиб қутилган ёзги дам олиш таътили бошланади.

Болаларнинг мириқиб ҳордиқ чиқаришлари учун мамлакатимизда барча шароитлар муҳайё. Кимдир бу даврни уйда ўтказса, кимдир турли оромгоҳ ва сихатгоҳларда ўтказсади. Қаерда бўлишмасин ёлғиз қолган болалар ёнғининг олдини олиш қоидаларига мунтазам амал қилишлари лозим. Афсуски, бу қоидаларни билмаслик ёки била туриб унга амал қилмаслик кўп ҳолларда оғир оқибатларга олиб келмоқда. Шу йилнинг ўзида мамлакатда 928 та ёнғин содир этилиб, натижада 122 нафар ўғил-қиз турли даражада куйиб жароҳатланди. Энг ачирлиси 18 нафар бола бевақт ҳаётдан кўз юмди.

Бундай бахтсизликлар рўй бермаслиги мумкинми? Мумкин, албатта. Болаларимизни гугурт, газ, электр манбаларидан ўзбошимчилик билан фойдаланишларига йўл қўймасак, нохуш ҳолларнинг олди олинади.

Бунга оила, маҳалла ҳамда ўқув муассасалари ҳам масъулдир. Бахтсиз фожеаларнинг олдини олиш учун кенг жамоатчилик уюшган ҳолда иш олиб бориши керак. Чунки, болаларимизни кўз қорачиғимиздек асраш, улар саломатлигига қайғуриш барчамизнинг бурчимиздир.

**Баҳром ЮНУСОВ,
ички хизмат подполковниги**

Баркамол авлод ҳар бир миллатнинг азалий орзуси. Орзунинг ўзи билан иш битмайди. Тошкент вилояти, Паркент туманида Ўзбекистон ёшларининг "Камолот"

АЗАЛИЙ ОРЗУ

жамғармаси ва Ибн Сино халқаро жамғармаси ҳам-

корлигида ўтказилган илмий-амалий семинар Соғлом авлод давлат дастурининг амалда бажарилишига бағишланди.

Семинарда оналар ва болалардаги камқонлик муаммолари, қариндош-уруғ ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари олдини олиш борасида мутахассисларнинг маърузалари тингланди.



НИҲОЛ БОША АСРА

Бир туп ток эксанг,
Бир туп тол эк.

Бола ўнга кирса,
Отаси сонга кирар.

Дилбар ТУРҒУНОВА

ДАВЛАТ МЕЗОНИ

Мазкур усулнинг афзаллиги истеъдодли ёшларни танлаб олиш имконини беради. Бу усулни янада чуқурлаштириш керак. Мактаб тизимидаги тест усули ҳар хил адолатсизликларга чек қўяди.

Дарҳақиқат, таълим тизимидаги тест анча миш-миш гапларга чек қўйди. Вақт ўтган сайин бу тизим такомиллашиб, ёшларнинг унга ишончи ортиб бормоқда. Демак, таълим тизимида адолат ўрнатилди.

ОҚ ЙЎЛ, БИТИРУВЧИЛАР!

**Зиёда АШУРОВА,
"Туркистон"нинг махсус
мухбири**

ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК

Владимир Путиннинг Президентликка сайланиши билан Россия ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўйди. Ғарб мамлакатлари ва Россия матбуоти, таниқли сиёсатшунос ва синчилар бу босқич қандай бўлиши ҳақида турли фикр ва фаразлар билдирмоқдалар. Аммо ҳулосалар бир-бирига яқин: мамлакатда тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, уни кучли ва ривожланган давлатга айлантириш янги раҳбариятнинг бош мақсади бўлиб қолади. «Россия - шаклланаётган глобал тизимда» тадқиқот лойиҳаси раҳбари, РФА мухбир-аъзоси Георгий Шахназаровнинг фикрича, Россияда яқин келажакда «мўтадил авторитар» тузум қарор топади. Бу тузум мамлакатни тангликдан олиб чиқиш ва унинг иқтисодий юксалишини таъминлаш имкониятига эга. Аммо бунинг учун авж олиб кетган коррупция ва уюшган жиноятчилик йўлига жиддий ғов қўйиш лозим, деб таъкидлайди Г.Шахназаров.

Аслини олганда, ғарб давлатлари ҳам, қўшни мамлакатлар ҳам Россияда барқарор ва кучли бошқарув шаклланишидан манфаатдор. Чунки, Россиядек катта, кўп миллатли ва ядровий қуролга эга бўлган мамлакатни бошқача йўл билан бошқариш қийин. Марказий ҳокимиятнинг бўшлиғи бошбошдоқлик ва иқтисодий таназзулга олиб келиши мумкин. Шу сабабли Россия жамоатчилиги В. Путин қиёфасида мамлакатни янги тараққиёт йўлига олиб чиқадиган гайратли ва шижоатли шахсни кўрмоқда.

В.Путин ўзининг биринчи расмий сафарини Ўзбекистондан бошлади. Бу албатта бежиз эмас. Мамлакатимизнинг Марказий Осиёдаги етакчи макъеи, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, минтақа хавфсизлигини таъминлаш, диний экстремизм ва терроризмга қарши курашдаги қатъияти халқаро миқёсда кенг эътироф этилмоқда. Қолаверса, икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали алоқаларни тиклашни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон билан Россия ўртасида ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлик шаклланди. В.Путин Россия ҳукумати раиси сифатида ўтган йили 10-11 декабрь кунлари мамлакатимизда бўлган, Ўзбекистон раҳбари билан яқкама-яқка суҳбат чоғида ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш истиқболлари кўриб чиқилган эди. Ушунда икки мамлакат ўртасидаги товар айланмаси ҳажми сўнгги йилларда бироз қисқарганлиги таассуф билан билдирилган, уни кенгайтириш давлатларимиз олдида турган муҳим вазифалардан бири эканлиги таъкидланган эди.

Ўзбекистон ва Россия ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган 1992 йилдан буён сиёсий, иқтисодий, маданий соҳаларда жами 150 дан ортиқ ҳужжат имзоланган. 1998 йил

май ойида И.Каримовнинг Россияга ва ўша йил октябрида Б.Ельциннинг мамлакатимизга расмий ташрифлари, сафар давомида имзоланган ҳужжатлар, айниқса, 1998-2007 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ўзаро алоқалар равнақида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда Россия сармоясини иштирокида тузилган 149 корхона фаолият олиб бораёпти. Уларнинг 121 таси қўшма корхона бўлса, 28 таси юз фоиз россияликлар сармоясини билан ташкил этилган. Айни пайтда Россияда Ўзбекистон ишбилармонлари иштирокида ташкил этилган 50 га яқин корхона мавжуд.

Аммо ўзаро иқтисодий алоқаларда фойдаланилмаган имкониятлар ҳали кўп. Чунки Россия товарларига Ўзбекистонда қанчалик талаб бўлса, Ўзбекистон хом ашёси, сабзавот ва меваларига ҳам Россия минтақаларида шунчалик эҳтиёж бор. Россия Федерацияси таркибидаги жумҳуриятлар ва вилоятлар билан Ўзбекистон вилоятлари ўртасидаги муносабатлар бунга мисол бўла олади. Фақатгина ўзаро савдо алоқалари йўлидаги айрим тўсиқларни бартараф этиш лозим. В.Путин ташрифи мобайнида имзоланган икки мамлакат вилоятлари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда халқаро автомобиль қатнови тўғрисидаги битимлардан кўзда тутилган мақсад ҳам шу.

Ўзбекистоннинг Европага чиқадиган асосий йўллари Россия ҳудудидан ўтади. Шу сабабли биз учун темир йўл транспорти соҳасидаги ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади. 1992 йилда МДХ ҳукумат раҳбарлари томонидан темир йўл транспорти бўйича Кенгаш тузилган эди. Шу йил март ойида Кенгашнинг Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтган 26-йигилишида Болтиқбўйи республикалари ва Болгария вакиллари ҳам иштирок этдилар. Ўзаро ҳамкорлик ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Темир йўлда юк ташиш ҳажми мунтазам ортиб бораётганлиги бунинг далилидир. Россия ҳам темир йўл қатнови яхшиланишидан ман-

фаатдор. «Коммерсант» газетасининг ёзишича, транзит ташилардан Россия йилига 3 миллиард доллар фойда кўради. Қатнов йўлидаги тўсиқлар бартараф этилса, бундан 6 баробар кўп даромад қилиш мумкин экан.

Терроризм ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш борасидаги келишувлар ҳам диққатга сазовор. Бу соҳада ўзаро саъй-ҳаракатларни бирлаштиришгина кутилган натижани бериши мумкин. Ўзбекистон раҳбарининг таклифи билан МДХ доирасида антитеррористик марказ тузишга келишилганлиги, Россия ва Марказий Осиё республикалари ҳарбий бўлинмалари иштирокида «ҳамдўстликнинг жанубий қалқони» ҳарбий машқлари бўлиб ўтганлиги ва ниҳоят Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон Президентлари терроризмга қарши биргаликда кураиши ҳақида имзолаган битим бу хатарли офат йўлига жиддий ғов қўйди.

Россия улкан табиий ресурсларга эга бўлган мамлакат.

Дунёдаги хом ашёнинг 30 фоизи Россия ҳудудида. Мамлакатдаги бепоён ўрмонзорлар куррамизнинг 35 фоиз кислородини таъминлайди. Бу ресурслардан унумли фойдаланиш, мамлакатда меҳнат интизомини таъминлаш яхши самаралар бериши шубҳасиз. Ҳозирнинг ўзидаёқ дастлабки ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Расмий маълумотларга кўра, шу йилнинг илк икки ойида иқтисодиётнинг беш асосий тармоғидаги ўсиш 10 фоизни ташкил этган. Халқаро валюта жамғармасининг ҳисоб-китобларига кўра, Россияда йиллик иқтисодий юксалиш 4,5 фоизни ташкил этиши мумкин.

Россия мамлакатимизнинг стратегик шерикларидан бири. Бу давлат билан турли соҳалардаги ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш иқтисодий ислохотларни жадаллаштиришда, минтақамизда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Россия Президенти В.Путиннинг мамлакатимизга расмий ташрифи давомида бўлиб ўтган музокаралар ва имзоланган икки томонлама ҳужжатлар худди ана шу мақсадларга хизмат қилади.

Насриддин
МУҲАММАДИЕВ

Шу кунларида Тошкентда бўлиб ўтаётган халқаро анжуман «БМТнинг иқлим ўзгаришлари бўйича Доиравий Конвенциясига ёндашувининг учинчи йўли» деб номланди. АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси ахборот марказидан «Туркистон-пресс» мухбирига маълум қилишларича, анжуман АҚШнинг халқаро Агентлиги (USAID) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегик ва минтақавий тадқиқотлар Институтини, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси қошидаги гидрология ва метеорология Бош бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ўзбекистон БМТнинг иқлим ўзгаришлари бўйича Доиравий

ИҚЛИМ ЎЗГАРИШ- ЛАРИГА ДОИР ХАЛ- ҚАРО АНЖУМАН

Конвенцияси бешинчи анжуманида иштирок этар экан, иқтисодиёти ўтиш даврида бўлган давлатлар орасида зарарли газларни ҳавога тобора кам чиқариш йўллари ахтаришда пешқадамлик қилмоқда. Ўзбек делегацияси раҳбарлигида «Учинчи йўл» деб ном олган янги гуруҳ тузилди. Бу гуруҳга кириш баённомасини етти давлат аъзо ва икки давлат кузатувчи сифатида имзоладилар.

Ҳозирги вақтда «Учинчи йўл» гуруҳи томонидан Доиравий Конвенцияга иштирок этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилмоқда. АҚШ ҳукумати бундай анжуман ўтказилишини маъқуллаб, унда иштирок этиш учун махсус элчисини жўнатиш ниятини билдирди. Анжуманда асосланган ҳар бир таклиф томонларнинг розилиги билан шу йил ноябрь ойида Гаага шаҳрида бўладиган олтинчи конференцияси тақдим этилади.

«Туркистон-пресс»



Жаҳон меъморчилик санъати намуналари

ФРАНКФУРТ. Германияда автотранспорт ҳалокати туфайли ҳалок бўлаётганлар сони кўпаймоқда. Статистик маълумотларга қараганда, жорий йилнинг биринчи чорағида 1720 киши ҳаётдан кўз юмган. Бу кўрсаткич ўтган йилгига нисбатан ўн баробар кўп. Мутахассисларнинг фикрича, ҳалокатларга асосан ҳайдовчиларнинг автомобилни юқори тезликда ва маст ҳолда бошқариши сабаб бўлмоқда.

СИДНЕЙ. Австралия ҳукумати Тинч океанининг жанубий қисмида жойлашган Фиджи давлати президентини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини маълум қилди. Ўтган ҳафта бир гуруҳ исёнчилар Фиджи ҳукуматига қарши давлат тўнта-риши уюштиришга ҳаракат қилган эди. Айни пайтда Австралия ҳукумати исёнчиларни қуролларни ташлаб, ҳукумат вакиллари билан тинч музокара ўтказишга чақирмоқда.

КОЛОМБО. Шри-Ланка ҳукумати мамлакатда тинчлик ўрнатиш мақсадида хориждан баҳоси юз эллик миллион АҚШ долларига тенг келадиган миқдорда қурол-аслаҳа сотиб олишни режалаштирмоқда. Хабарларга қараганда, Исроилдан қирувчи само-

лётлар ва замонавий қуроллар харид қилиниши керак. Маҳаллий кузатувчиларнинг фикрича, бу Жафна шаҳрини тамил айирмачилари ҳужумидан ҳимоя қилишга ёрдам беради.

МОСКВА. Россия ташқи ишлар вазири Игор Иванов мамлакатда меҳмон бўлиб турган Швеция бош вазири ўринбосари Леной Ельм-Вален билан музокара ўтказди. Унда икки томонлама иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ҳамда Россия билан Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

ИСЛОМБОД. Покистон ҳукумати «Толибон» ҳаракатидан Афғонистон ҳудудида яшириниб келаётган саудиялик террорчи Усама бин Лодинни АҚШ ҳукуматига топширишни сўради. Бироқ толиблар бу масала бўйича ҳали аниқ бир қарорга келгани йўқ.

Маълумотларга кўра, «Толибон» вакиллари Афғонистонда яшириниб юрган ўнга яқин покистонлик жиноятчиларни ўз мамлакатига қайтаришини маълум қилгандан сўнг, Покистон ҳукумати уларга мазкур таклиф билан мурожаат қилган.



ДУНЁ БЎЙЛАБ 80 КУН

“Дунё бўйлаб 80 кун” Халқаро автопойгаси карвони Самарқанд шаҳрига етиб келди.

24 давлат вакилларида иборат автохаваскорлар 100га яқин автомашиналарда шу йилнинг 1 май куни Лондондан сафарга чиқишган эди. Пойгада иштирок этаётган машиналар жаҳон автомобилсозлиги тарихини намойиш этувчи классик моделлардан ташкил топган. Буюк Британия, Франция, Италия, Греция, Озарбайжон, Туркменистон худудларини ортда қолдирган карвон Ўзбекистон орқали Хитой пойтахти Пекинга йўл олади. Сўнгра, улар самолётда Аляскага етказилиб, ундан Нью-Йоркка, сўнгра эса Африканинг Марокаш давлати томон йўл олади. Автопойга Испания ва Франция орқали ўтиб, яна Лондонда ниҳоясига етади.

Спортчилар Самарқандда бир кун дам олишди, унинг диққатга сазовор жойларини зиёрат қилишди.

Ватанимиз пойтахти томон йўл олган автокарвон Тошкентдан Бишкек сари ўз ҳаракатини давом эттиради.

“Туркистон-пресс”

Навоий шаҳридаги “Олтин сув” ҳавасида сузиш бўйича Республика очик биринчили-

диган олимпия ўйинларига йўлланма учун куч синашди. Сузишнинг барча турлари

спорт устаси О.Цветковский чемпионлик унвонига эга бўлди ва Сидней шаҳрида

Сиднейга йўлланма

ги бўлиб ўтди. Тўрт кун давом этган мусобақада ўн бир жамоа - мамлакатимиз ҳамда қирғизистонлик спортчилар декабрь ойида Австралиянинг Сидней шаҳрида бўлиб ўта-

бўйича 62 та медални қўлга киритган Навоий шаҳри спортчилари биринчи ўринни эгаллади. Бу ердаги “Олтин сув” сузиш маркази ходими, халқаро тоифадаги

ўтадиган олимпия ўйинларига йўлланма олди. Қирғизистонлик А.Егоров ва К.Дряхин ҳам Сидней ўйинларида иштирок этадиган бўлди.


КЎКТЕПА “МАЛИКА”СИ

Ўзбекистон Фанлар академияси Яхё Фуломов номидаги археология институти олими, тарих фанлари доктори Муҳаммаджон Исомиддинов ва Франция Марказининг илмий ходими Клод Рапен бошчилигидаги ўзбек-француз қўшма экспедицияси қатнашчилари яқинда Челақ туманидаги Кўктепа (Охунбобоев номли жамоа хўжалиги худуди) ёдгорлигида ноёб археологик топилмани қўлга киритдилар.


Ёдгорликнинг энг баланд қисми марказида 25-30 ёшли аслзода маликанинг қабри топилди. Қабрдаги аёл қимматбаҳо устбоши билан дафн этилган. Аёл устидаги либос 200 га яқин тилла тугма билан безатилган экан. Маликанинг ёнига кумуш ойна, кумуш пиёла ва жез қозон ҳам қўйилган. Унинг бўйин ва

кўкрак қисми мунчоқлар, юпка олтин фольга билан безатилган. Археолог олимларнинг фикрича, аслзода аёл милоддан аввалги 1 ҳамда асримизнинг дастлабки йиллари расм-русумларини бажарган ҳолда дафн этилган. Илмий тадқиқотлар ҳали давом этмоқда ва кейинги изланишлар сўзсиз малика қабри билан боғлиқ бўлган кўпгина саволларга жавоб беради. Археология институтининг директори профессор Темур Шириновнинг таъкидлашича, қимматбаҳо қабр Самарқанд Сўғдида биринчи марта топилган ва у ўз даврининг тарихини ўрганишда янги-янги саҳифалар очади.

Ёркул Умар,
ЎЗА мухбири



Изоҳга ҳожат йўқ



А. ҲАКИМОВ сурати

КУЛГУ БЕКАТИ

Китоб магазинига кирган талаба сўради:

— “Талабаларни доимо ҳурмат қилиш керак” деган китоб борми?

— Фантастика бўлими қўшни хонада.

* * *

Психология профессори деди:

— Биз “ёлғон” деган тушунчага келдик. Мен бу масала ҳақида “ёлғон тўғрисида” деган илмий асарларимда батафсил ёзганман. Ким уни ўқиган бўлса қўлини кўтарсин.

Ҳамма талабалар қўл кўтаради.

— Жуда соз! -деб давом этди профессор. — Маъруза учун жуда яхши мисолга эга бўлди, Менинг китобим ҳам босмадан чиққани йўқ.

* * *

Машҳур профессорнинг ёрдамчиси ундан сўради:

— Устоз, ҳар гал талабалардан кун бўйи еган овқатини синчиклаб сўраб оласиз. Наҳотки, талабанинг қандайлигини аниқлаш учун бунинг аҳамияти бўлса?

— Йўқ, азизим. Буни билиш унга қандай “муомала” қилишим учун зарур.

* * *

Имтиҳонда:


— Қани турлашга мисол келтиринг.

— ...

— Нега индамайсиз, савол қийинми?

• — Йўқ домлажон. Савол-ку қийин эмас-а, жавоби қийин бўляпти.

Феруза ҚУВАНОВА
тўплади



1. Шарқда сўнган вулқон. 2. XVIII асрдаги Эрон олтин тангаси. 3. Акуланинг бошқача номи. 4. Қорасон касаллиги. 5. Рус ёзувчиси. 6. Озиқ-овқат саноатида ва парфюмерияда ишлатиладиган хушбўй модда. 7. Боксчининг қаттиқ зарбдан йиқилиб, курашни давом эттириш қобилиятини камида 10 секунд тиклай олмаслиги. 8. Рассомлик санъати техникаси тури. 9. Мўғул чорвадори. 10. Болаларда бўладиган ўткир вирусли касаллик. 11. Хорижий автоулов русуми. 12. Ўқув машғулот тури. 13. Швеция парламенти. 14. Нима бўлса бўлар, таваккал. 15. Цилиндр ёнилги аралашмасининг ўт олдириш учун хизмат қиладиган электромагнитли асбоб. 16. Оширма хамирдан ёпил-

ган юпка нон. 17. Муомаладаги нозиклик, одоб. 18. Чамандаги дўппи. 19. Сибирдаги шаҳар. 20. Машҳур “Титаник” кемасини ҳалокатга учратган улкан муз парчаси. 21. Ҳиндистоннинг Тошкентдаги савдо маркази. 22. Маиший хизмат кўрсатиш уйи. 23. Закавказьедаги давлатлардан бири. 24. Сўзак касаллигининг кўзғатувчисини кашф этган олмон дерматовенерологи. 25. Дурадгорлик анжоми. 26. Ёввойи тоғ қўйи. 27. Турди йўллар билан ҳамманинг диққатини тортиш. 28. Ичига дори солинган найчасимон шиша идиш. 29. Осиёдаги халқлардан бири. 30. Ҳеч ўнғайсизлик сезмасдан, бемалол.

Тузувчи: Тожиали УМАРОВ

Газетанинг навбатдаги сони 31май, чоршанба куни чиқади.

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ
«КАМОПОТ» ЖАМГАРМАСИ

Бош муҳаррир Салим АШУРОВ

Навбатчи муҳаррир
Зиёда АШУРОВА

Таҳририят:

Бош муҳаррир — 133-89-61
Қабулхона — 136-59-38
Хатлар бўлими — 133-79-69



Манзилимиз:

700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
Таҳририятга юборилган материаллар қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқлиниши мумкин.